
РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Интернет тармоқларида Ўзбекистон тумани “Қирқкетмон” қишлоғидаги фуқаронинг мурожаати акс этган хабар [тарқалди](#).

Кадастр агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси ҳамда Ўзбекистон тумани бўлими мутахассислари томонидан ҳолат жойига бориб ўрганилди.

Ўрганиш давомида, “Қирқкетмон” МФЙ Боғ кўчасида жойлашган “Қирқкетмон” қабристони олд тарафида жойлашган 85.0 кв.м ер майдони 2023 йил 26-апрел куни “К-САВДО” АТТ орқали аукцион ўтказилган ҳамда “ҲаТТ MOVLONOV ILYOS MANSUROVICH” аукцион ҳолиби сифатида қайд этилган.

“ҲаТТ MOVLONOV ILYOS MANSUROVICH” раҳбари И.М томонидан ўзбошимчалик билан 25.4 кв.м ер майдонини эгаллаб олиниб, жами 110.4 кв.м ер майдонига мукамал қурилиш ишларини амалга ошираётганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан далолатнома расмийлаштирилиб, фуқаро И.М.га ноқонуний қурилатган иморатни ўн беш кунлик муддатда бартараф этиш учун огоҳлантириш берилди.

2023-08-08 15:18:02